

**МАЪНАВИЯТНИНГ ИНДИВИДУАЛ ШАКЛЛАРИ** - ҳар бир инсоннинг кадри, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги, бурчи, масъулияти, ижтимоий , иқт-й ва сиёсий жараёнлардаги ўрнини, унинг жамият, атроф-муҳит ва б. кишиларга таъсири, ҳаётдаги мавқеи, ахлоқий қиёфаси, қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ маъ-ят шакллариининг шахсий (алоҳида, якка) даражада намоён бўлиш хусусияларини ифодалайдиган т. Муайян кишининг М.и.ш қатор кўринишларда ва хилма-хил тарзда намоён бўлади. Бу аввало, унинг табиатга, ташқи оламда рўй бераётган жараёнларга нисбатан муносабат и, ушбу жараёнлардаги ўрни ва фаолиятида, турли ирқ, миллат, ижтимоий қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва маъ-ятга интиладиган кишиларга муносабат ида яққол намоён бўлади. М.и.ш. ҳар бир шахснинг ўзига, оила, турмуш, жамоа ва жамиятдаги ўрнига нисбатан муносабат ида, жамиятда моддий ва маънавий бойликларни яратиш жараёнига кўшаётган ҳиссасида ҳам кўзга ташланади. Шу билан бирга шахснинг сиёсий ўзгаришлар, жамиятни демократиялаштиришда қатнашиши, қандай эзгу мақсадларни кўзлаётганлиги билан боғлиқ фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврдаги юксак технологиялар, ишлаб чиқариш ва бошқариш воситаларининг замонавий талабларга ҳозиржавоблиги, бу борадаги шахс малакаси, қобилияти ва кўникмаларини такомиллаштиришга интилиши ҳам М.и.ш.нинг асосий кўрсаткичларидир. Инсонга хос табиий баркамоллик, жисмонан соғломлик, иқт-й талаб ва эҳтиёжларни ахлоқий камолоти ва амалий фаолияти билан уйғунлаштира олиши, нафосати, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётгани ҳам М.и.ш.нинг даражасини белгилайди. М.и.ш. тизимида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) ҳар бир инсоннинг табиий-тарихий қадриятлари; б) ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги; в) меҳнати ва иқт-й мад-ти; г) индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи; д) қобилияти ва истеъдоди; е) дини, эътиқоди, ҳис-туйғулари. Инсон маъ-ятининг табиий-тарихий жиҳати унинг биологик жонзот, тирик вужуд сифатидаги яшаши, сиҳат-саломатлиги, ҳаёт кечириш

даврлари, болалик, ўсмирлик, етуклик, қарилик онлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бундай табиийлик ҳар бир тирик вужуд каби одам зотининг ҳар қандай авлоди, қавми, миллат ва элатига тегишлидир. Инсоннинг ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги билан боғлиқ маъ-ят шакллари ўзаро уйғунликда намоён бўлади, улар умуминсонийликнинг шахс қиёфаси билан боғлиқ индивидуал даражасини ифодалайди. Ахлоқий қиёфа, нафосат ва гўзаллик билан боғлиқ шахсий маъ-ятнинг ҳар бир шакли, кишиларнинг жамиятдаги бирор типини ажратиб кўрсатиш учун асос бўлиши мумкин. Бу шакллар эса ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар қуйидагиларда кўринади: шахс умри ва ҳаётининг маъноси, яъни яшашдан мақсад, хотира, мерос, ворислик, орзу-умид, бахт-саодат ва б.; шахснинг атроф-муҳит, ватан, давр, оила ва турмуши, севги-муҳаббати, ота-она ва фарзандлари, турмуш гўзаллиги ва б. билан боғлиқ маъ-ят шакллари; шахснинг эркинлиги, озодлик, тенглик, эътиқод, ахборот олиш, мулкка эгалик қилиш, яшаш, дахлсизлиги билан боғлиқ маъ-ят; шахсий масъулият, яъни ижтимоий заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб-интизоми, ор-номуси, бурчи, виждони, кадр-қиммати ва б.; шахснинг нафосати, маънавий гўзаллиги, эстетик туйғуси, диди, мад-ти, ўзига, ўзгаларга, табиат ва ташқи муҳитга нисбатан муносабат ига алоқадор маъ-ят шакллари. Маъ-ятнинг шахсий даражада намоён бўлиши нисбий хус-ятга эга бўлса-да, аммо у алоҳида кишилар, уларнинг ҳаёти, фаолияти, жамиятдаги мавқеи ва ўрнини белгилашда катта аҳамият касб этади.